

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ
ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

**ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК КУРСИДАН
ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ**

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК КУРСИДАН
ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ

Тошкент - 2011

Тузувчи-муаллифлар:

ю.ф.н. Ш.Н. Бердияров, ю.ф.н.И.Э.Хожаназаров, Р.З.Нажмитдинов, З.К.Жабборов,
Ж.А.Ядгаров, А.Н.Қаршиев, Х.М.Қиличев, Э.Х.Норбўтаев, С.С.Шарипов

Такризчилар:

юримдик фанлар номзоди, доцент М.К. Нажимов;
юримдик фанлар номзоди, доцент Д.М. Миразов.

Ю–70 **Чизмалар альбоми:** Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
2011. – 174 б.

Чизмалар альбомида юримдик тайёргарлик курсининг давлат ва ҳуқуқ асослари, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти бўлимлари бўйича энг асосий тушунча, қоида ва назарий фикрлар чизма шаклида ифодаланган бўлиб, бу курсни тез ва осон ўзлаштириш имконини беради.

Ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ҳамда ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг курсантлари учун мўлжалланган.

ББК 67я70

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011.

К И Р И Ш

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришдек олий мақсадга эришиш йўлида илдам қадамлар ташланмоқда. Бу жараёнда қонунийликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман ҳозирги иқтисодий ислохотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар, айниқса, ҳуқуқ-тартибот органларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак¹. Қонунийликни мустаҳкамлаш ва унинг талабларини таъминлаш йўлларида бири эса, ҳуқуқ-тартибот органларининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишдир. Юридик тайёргарлик курси айнан шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу курсни ўрганишни янада енгиллаштириш мақсадида мазкур чизмалар альбоми тайёрланди.

Чизмалар альбомида юридик тайёргарлик курсининг давлат ва ҳуқуқ асослари, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти бўлимлари бўйича асосий назарий қоида ва тушунчалар чизма шаклида ифодаланган бўлиб, мантиқий изчил жойлаштирилган, бу эса курсни ўрганишда ўтказиладиган ўқув машғулотларини оқилона ташкил этиш ҳамда ўзлаштиришни осонлаштиради.

Чизмалар альбоми Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ҳамда ИИВ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг курсантларига “Юридик тайёргарлик” курсини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришларида ёрдам беради, деган умиддамиз.

¹ Каранг: *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. - Т., 1996. - 285-б.

Давлат – бу ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, ҳамма учун мажбурий ҳуқуқий нормалар чиқарувчи, ўзининг мажбурлов аппаратига эга бўлган сиёсий ташкилот

ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАРИ

Давлат шакли - давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимларининг йиғиндиси

Бошқарув шакли – давлат ҳокимияти олий органларини ташкил этиш тизими, уларнинг ваколатлари, ўзаро муносабатлари, уларни ташкил этиш тартиби

Тузилиш шакли – давлатнинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиш тизими

Сиёсий тартиб – давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари

ДАВЛАТ ФУНКЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Давлат функцияси – давлатнинг олдидаги мақсадларига эришиш учун олиб борадиган фаолиятнинг асосий йўналиши

Ички функция – давлатнинг ички сиёсий вазифаларини ҳал қилиш бўйича асосий фаолияти йўналиши


Ички функциялар, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш ва табиатни муҳофза қилиш каби соҳага оид функцияларга бўлинади

Ташқи функция – давлатнинг ташқи сиёсий вазифаларини ҳал қилиш бўйича асосий фаолияти йўналиши

Ташқи функция икки гуруҳга бўлинади:
– халқаро ҳамкорлик (ташқи иқтисодий ва сиёсий);
– муҳофаза ва хавфсизлик

ДАВЛАТ АППАРАТИ (МЕХАНИЗМИ) ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Давлат механизми — давлатнинг жамиятни бошқариш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган органлар, ташкилотлар ва муассасаларининг тизими



Давлат механизмининг ягоналиги шундан иборатки, уни ташкил қилган органлар ўзаро фарқ қилишига қарамасдан, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро боғлиқ (масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, тегишли тарзда қонунчилик ва ижро ҳокимиятини амалга оширади, шу билан бирга, ягона давлат ҳокимиятининг тармоғини ташкил этади, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор)

Барча давлат органлари умумий мақсад ва вазифаларни бажаради, яъни давлат функциясини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад – жамият ва халқ манфаатини кондириш

Поғонама-поғона жойлашганлик давлат механизмининг пирамида шаклида тузилишини ифодалайди, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, қуйи турувчи органлар эса юқори турувчи органларнинг қарорларини ижро этишга мажбур

ҲУҚУҚ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ



ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳуқуқий муносабат субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар билан ўзаро боғлиқ бўлган шахслар (яъни, ҳуқуқ эгалари) ўртасида юзага келадиган ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқалар

Ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгилари

√ субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга икки ёки ундан ортиқ шахснинг мавжудлиги

√ шахслар ўртасидаги муносабатнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият орқали амалга оширилиши

зарур бўлганда давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши

Ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи омиллар

Умумий (моддий) омиллар

√ жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароити
√ моддий ва номоддий неъматлар
√ ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мавжудлиги
√ ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг амалга оширилиши

Махсус (юридик) омиллар

√ ҳуқуқ нормалари
√ ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати
√ юридик фактлар

ГИПОТЕЗА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Гипотеза ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми, унда норманинг амал қилиш шарт-шароитлари кўрсатилиб, ким, нимани, қачон қилиши кераклиги баён этилади

Гипотезанинг турлари

- √ *оддий гипотезада* бирон-бир ҳолатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги кўрсатилиши юридик норманинг амал қилиши билан боғлиқ бўлади
- √ *мураккаб гипотеза*, қоидага кўра, бир вақтнинг ўзида икки ҳолат мавжуд бўлганда амалга киради
- √ *муқобил гипотезада* бир неча ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирдагина ҳуқуқ нормаси амал қилади

Диспозиция ҳуқуқ нормасининг шундай таркибий қисмики, унга кўра ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни белгиланади

Диспозиция турлари

- √ *оддий диспозицияда* қилмиш тавсифлаб берилмайди, балки барчага маълум ибора ёрдамида таърифланади
- √ *тавсифловчи диспозиция* ҳуқуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баённи ўз ичига олади
- √ *бланкет диспозицияда* ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормаларида белгиланган махсус қоидаларига ҳавола қилинади
- √ *ҳавола этувчи диспозицияда* ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола этувчи диспозиция тушунилади


САНКЦИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Санкция ҳуқуқ нормаси бузилган ёки мажбурият бажарилмаган ёхуд талаб этилган ҳатти-ҳаракат содир этилмаган ҳолда ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат таъсир чорасидир

Санкциянинг турлари

- √ *мутлақ аниқ санкция* – ҳуқуқ нормасининг талаблари бузилган тақдирдаги жазонинг аниқ ҳажми белгилаб қўйилади
- √ *нисбий аниқ санкция* - ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг энг кам ва энг кўп чегарасини белгилайди
- √ *муқобил санкция* - судга қонунда кўрсатилган бир неча жазодан бирини тайинлаш имконини беради

Гипотеза, диспозиция ва санкцияларнинг боғлиқлиги



ҚОНУНИЙЛИК ПРИНЦИПИ

Қонунийликнинг асосий принциплари

- ✓ **қонунийликнинг ягоналиги** – қонунлар мамлакатнинг бутун ҳудудида бир хилда қўлланилади, ҳамда барча фуқаролар қонун олдида бир хил мавқега эгадирлар. Фуқаролар дини, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар
- ✓ **қонунийликнинг умумийлиги** – давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг (ҳуқуқнинг барча субъектлари) конституцияга, қонунларга ва қонуности ҳужжатларига оғишмай риоя қилиши
- ✓ **қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик принципи** – мамлакат ҳудудида амалдаги қонунларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ бажариш ҳар бир давлат органи, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун мажбурийдир
- ✓ **қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги** – мамлакатнинг барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари муқаддас бўлиб, ҳуқуқ субъектлари уларга сўзсиз амал қилишлари шарт


«Қонунийлик» тушунчасига замонавий ёндашув

Қонунийлик – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатлар барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир

Қонунийлик – барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор ҳамда юридик шахслар ва фуқаролар томонидан амалдаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишидир

ҚОНУНИЙЛИК КАФОЛАТЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Қонунийлик кафолатлари - жамиятда қонунийликни таъминлашга эришиш мақсадида яратиладиган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар тизими



ХУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ

Хуқуқий тартибот – хуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзида ифодалайди. Ушбу тартибот қонунларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади. Бунда фуқаролар ва ташкилотларнинг хуқуқий мақоми сақланади ва уларнинг хуқуқий лаёқати қаршиликсиз амалга оширилиши мумкин бўлади

Хуқуқий тартибот принциплари

Хуқуқ тартиботнинг асосий принциплари

- √ қонунийлик
- √ хуқуқий тартиботнинг ягоналиги
- √ иерархияга асосланганлик
- √ хуқуқий тартиботнинг нормативлиги
- √ адолатлилик
- √ назоратга олинганлик
- √ хуқуқий тартиботнинг қафолатланганлиги

ХУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ МАЗМУНИ



ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ ТАСНИФИ



ИНТИЗОМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Интизом – давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек корхона ва муассасаларда ўрнатилган ва амал қилиниши лозим бўлган ички тартиб-қоидалар

Интизом турлари

Давлат интизому

Ҳарбий интизом

Меҳнат интизому

Давлат интизому ва унинг хусусиятлари

Давлат интизому – муайян давлат томонидан ўрнатилган ва шу ҳудудда яшовчи барча фуқаролар учун мажбурий тартиб-қоидаларга риоя қилиниши

ХУСУСИЯТЛАРИ

- муайян давлат ҳудудида ўрнатилади
- мазкур давлат фуқароларига тааллуқли бўлади
- интизомни бузиш юридик оқибатларни келтириб чиқаради
- давлат томонидан қўллаб-қувватланади

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳарбий интизом – барча ҳарбий хизматчиларнинг қонунлар, ҳарбий низомлар, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этишлари

Интизомга эришиш омиллари

Ҳарбий бурчни ҳис қилиш

Шахсий масъулиятлилик

Бурчга садоқат

Ҳарбий интизомни ўрнатиш омиллари

- ✓ кўл остидагиларга кундалик талабчанлик
- ✓ хизматчиларнинг ижрочилигини назорат қилиш
- ✓ ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимий қайғуриш
- ✓ ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсири каби омилларни тўғри уйғунлаштириш ва ўрнида қўллаш

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Меҳнат интизому - меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг меҳнатга муносабати, хатти-ҳаракатлари тартиб доирасида бўлиши

ХУСУСИЯТЛАРИ

- √ корхона раҳбарияти томонидан ўрнатилади ва риоя этилиши шарт
- √ ўрнатилган тартибга риоя қилиш барча ходимлар учун мажбурий
- √ тартибнинг бузилиши интизомий жавобгарликка сабаб бўлади
- √ ходимлар ўрнатилган тартибга риоя қилганликлари учун рағбарлантириладилар

Интизомий жазо турлари

Танбех

Ҳайфсан

Қаттиқ ҳайфсан

Ишдан бўшатиш

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Ҳуқуққа хилофлиги – шахснинг хатти-ҳаракати қонунда тақиқланган бўлиб, унинг оқибатида жамият, давлат ва шахснинг зарар кўриши

Ижтимоий хавфлилиги – ҳуқуқбузарлик хавфлилик даражасига кўра жиноят ва ножўя хатти-ҳаракатга бўлинади (жамият учун хавfli бўлмаган қилмишлар ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди)

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари

Зарар – ҳуқуқбузарлик доимий равишда ҳуқуқ билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга етказадиган зиён

Ҳуқуқбузарликнинг барча таркибий элементларининг мавжудлиги – шахснинг ҳуқуқни бузиш ҳаракати қонун билан кўриқланадиган муайян ижтимоий муносабатга қаратилганлиги (*объекти*), муайян бир муомала лаёқатига эга шахс (*субъект*), ҳуқуқбузарликни содир этишда шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан иштирок этиши (*объектив томон*) ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликда шахснинг айби борлиги ва бу айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида ифодаланиши (*субъектив томон*). Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқбузарлик элементлари мавжуд бўлган тақдирдагина ҳуқуқбузарлик деб топилиши мумкин


Юридик жавобгарлик ва унинг белгилари

Юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва бошқа) ҳуқуқлардан маҳрум этилади

Юридик жавобгарлик белгилари

- ✓ ҳуқуқбузарлик содир этилганида қўлланилади
- ✓ давлат томонидан ҳуқуқ нормалари билан белгилаб қўйилади
- ✓ ҳуқуқбузар шахсга ёки унинг мулкига нисбатан салбий оқибатлар келиб чиқади
- ✓ ваколатли давлат органлари томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади
- ✓ процессуал тартибда амалга оширилади
- ✓ давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади

ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ТУРЛАРИ



Иккинчи бўлим. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

Конституциявий ҳуқуқ ва конституциявий тузум

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи – ҳокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат идоралари тизимининг фаолият юртишини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси

Конституциявий тузум – инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинадиган ва қафолатланадиган, давлат эса ҳуқуққа ва аввало, демократик конституцияга бўйсунадиган ҳокимиятни ташкил этиш усулини мустаҳкамловчи ҳуқуқий муносабатлар тизими

Конституциявий тузумнинг икки асосий белгиси


давлатнинг ташкил этилиш усули, яъни бир давлатни бошқасидан ажратиб турувчи белгилар (давлат тузуми, бошқарув шакли, сиёсий тартиби ва бошқалар) йиғиндиси

давлатни ташкил қилишнинг шундай усулидирки, бунда давлат унинг фаолиятини ҳуқуқий чекловлар билан тартибга солиш орқали инсон манфаатларига унинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларига бўйсундирилади ва у ана шу чегаралардан чиқа олмайди

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принциплари



ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ



ЧЕГАРАЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ ПРИНЦИПИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Чегаралар дахлсизлиги принципининг асосий мазмунини қуйидаги уч элемент билан ифодалаш мумкин


мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда юридик белгиланган деб тан олиш

ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаблардан воз кечиш

ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай бошқа тажовузлардан воз кечиш

ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ - ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларининг конституцияда акс эттирилишидир




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ҚУЙДАГИ БУРЧЛАРГА ЭГАДИРЛАР

- Конституция ва қонунларга риоя этиш
- Бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш
- Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш
- Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш
- Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш
- Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш
- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш
- Қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БУРЧИНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг Конституцияда белгиланган муқаддас бурчидир. Ўзбекистон Республикасини ўзининг она Ватани деб ҳисоблаган ҳар бир инсон учун уни ҳимоя қилиш ниҳоятда зарур ва асосий табиий талабдир. Мазкур бурчнинг мазмуни қуйидаги талабларни ўз ичига олади



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Миллий марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат


Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш
режасини ишлаб чиқиш

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя
этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан
миллий маърузалар тайёрлаш

Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон
Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар
билан ҳамкорлигини ривожлантириш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек
инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига
маслаҳатлар бериш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ



ҲОКИМИЯТЛАР ТАҚСИМЛАНИШИ ПРИНЦИПИ


Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи куйидаги асосий белгиларга эга: *биринчидан*, давлат ҳокимиятини амалга ошириш функциялари *қонун чиқарувчи, ижро этувчи* ва *суд ҳокимияти* идоралари зиммасига юклатилади. Ушбу принципга кўра, ҳар қандай давлатда куйидаги ҳокимият тармоқлари мавжуд

Қонун чиқарувчи ҳокимият – унинг асосий вазифаси қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. Бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси амалга оширади

Ижро этувчи ҳокимият – унинг асосий вазифаси қабул қилган қонунлар ижросини таъминлашдан иборат. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг қуйи органлари зиммасига юклатилган

Суд ҳокимияти – унинг асосий вазифаси одил судловни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқиладиган қонунларнинг конституцияга мослигини кўриб чиқиш, муайян жиноий, маъмурий, фуқаровий ишларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қонуний қарор қабул қилишдан иборат

СУДЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ




Учинчи бўлим. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ
Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси ва предмети

Ҳуқуқнинг давлат бошқарувини ташкил этиш тартибини белгиловчи, бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган алоҳида тармоғи *маъмурий ҳуқуқ* деб аталади




ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ


Давлат бошқаруви – давлатнинг хўжалик, ижтимоий, маданий, маъмурий, сиёсий, шунингдек тармоқлараро бошқарув соҳаларида ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи мустақил тузилмаларнинг фаолияти



Ишонтириш усули




МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ



МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

Маъмурий жазо – жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади



**МАЙДА БЕЗОРИЛИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

Объекти – жамоат тартиби

Объектив томони – жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга шилқимлик қилиш, умуман, жамоат тартибини ва фуқароларнинг оқилол - талигини бузувчи хатти-ҳаракатлар қилиш

Майда безорилик
(МЖТКнинг 183-моддаси)

Субъекти –
ўн олти ёшга кирган ақли расо
шахс

Субъектив томони – қасддан
содир этилувчи ҳуқуқбузарлик

**МИЛИЦИЯ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК
ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

Хуқуқбузарликнинг объекти – бошқарув тартиби,
милиция ходимининг қонуний ҳаракатлари


Объектив томони –
милиция ходимининг
хуқуқбузарликни
тўхтатиш, ҳужжатларни
текшириш учун кўрсатиш,
милиция идорасига бориш,
транспорт воситасини
тўхтатиш, жабр
кўрганларга ёрдам
бериш каби қонуний
талабларини
бажармаслик

Милиция ходимининг қонуний
талабларини бажармаслик
(МЖТКнинг 194- моддаси)


Субъектив томони –
хуқуқбузарлик
қасдан содир
қилинади

Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс

**ОЗ МИҚДОРДА ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ
ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**



**ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН
ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ**



**ЭЛЕКТР, ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ЁКИ ГАЗДАН ФойДАЛАНИШ
ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ**



ЭКИНЗОРЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ДАЛАДА ТЎПЛАБ ҚЎЙИЛГАН ҲОСИЛИГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЁКИ УНИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ЮБОРИШ, КЎЧАТЛАРГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Ҳуқуқбузарликнинг объекти – қишлоқ хўжалик соҳасида ўрнатилган қоидалар


Объектив томони – экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш ҳаракатлари

Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш (МЖтКнинг 104-м.)

Субъектив томони – ҳуқуқбузарлик қасдан содир қилинади

Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс

**ТРАНСПОРТДАГИ, ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АЛОҚА СОҲАЛАРИДАГИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**



Судга ҳурматсизлик қилиш ҳуқуқбузарлигининг таркибий элементлари

Объекти – суд органларининг нормал фаолияти

Судга ҳурматсизлик қилиш
(МЖТКнинг 180-м.)

Объектив томони – гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар ва жавобгар ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишидан қасддан бўйин товлашида ёки иштирокчиларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида намоён бўлади

Субъекти – ўн олти ёшга кирган ақли расо жисмоний шахс

Субъектив томони – қасддан содир этилувчи ҳуқуқбузарлик

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ
КЎРИБ ЧИҚУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР**

туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари

шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш
органлари қошидаги маъмурий комиссиялар

вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи
туман (шаҳар) комиссиялари

ички ишлар (милиция) органлари, ваколат берилган бошқа органлар ва ушбу
органларнинг мансабдор шахслари


МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Маъмурий процесс – моддий маъмурий ҳуқуқ нормаларини давлат бошқарув органлари (мансабдор шахслар)нинг ўз ваколатини амалга ошираётган пайтда қўллаш шакли


Маъмурий процессни амалга ошириш принциплари

- қонунийлик
- ўз ваколати доирасида иш олиб бориш
- ҳақиқатни аниқлаш
- томонларнинг тенглиги
- маъмурий процессда ҳамманинг қатнашиши
- маъмурий процесснинг мумкин қадар тез ва самарали ҳал этилиши
- икки босқичлилиқ
- мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги


Маъмурий иш юритиш босқичлари



**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ ЮРИТИШДА
ҚАТНАШУВЧИ ИШТИРОКЧИЛАР**




МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОРЛАР



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан орган (мансабдор шахс) шу иш юзасидан қарор қабул қилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) номи, ишни кўриб чиқиш вақти; ишни кўриб чиқаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатлар баёни; содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ

Давлат бошқарув органлари, хўжалик органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонунларда белгиланган махсус қоидаларнинг бажарилишини назорат қилишлари **маъмурий назорат** деб аталади



Тўртинчи бўлим. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ муносабатлар ва мулкӣ қийматга эга муайян муносабатларни ҳамда мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солади

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий принципларига қуйидагилар киради

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Шартнома тузиш эркинлиги

Барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баравар муҳофаза қилиниши




Ҳеч ким иштрокчиларнинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралашмаслиги

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлиши

ИШОНЧНОМА

Ишончнома – бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик илиш учун бериладиган ёзма ваколат (ЎзР ФКнинг 134-моддаси)

Ишончнома шакллари




ИШОНЧНОМА ТУРЛАРИ



ИШОНЧНОМАНИНГ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ

Ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади




ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МУДДАТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ



МУЛК ХУҚУҚИНИНГ МАЗМУНИ

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.
(ЎзР ФКнинг 164-моддаси)



БИТИМ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Битим – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилишга қаратилган ҳаракат

БЕЛГИЛАРИ


→ Ҳақиқий ҳаракат натижасида юзага келади

→ Эрк-иродани ифодаловчи ҳужжат


→ Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган бўлади

→ Юридик факт ҳисобланади

БИТИМЛАР ҲАҚИҚИЙЛИГИНИНГ ШАРТЛАРИ



БИТИМ ШАКЛЛАРИ



ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг принциплари қуйидагилардан иборат

Томонларнинг юридик тенглиги ва мулкӣ мустақиллиги

Шартноманинг эркинлиги


Қонун ва шартноманинг ўзаро алоқадорлиги

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно


Иш муомаласи одатларининг қўлланиши мумкинлиги

Шартнома интизомига риоя қилиш


ФУҚАРОВИЙ ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК




МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ



МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШ ШАРТЛАРИ



МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ




ФУҚАРОВИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ШАРТЛАРИ




Бешинчи бўлим. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

ЖИНОЯТ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ


Жиноят – Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракасизлик) жиноят деб топилади




ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ҚИСМЛАРИ




ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ



ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ




ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАРИ




ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ



ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ




ЖИНОЯТ ТАРКИБИ




ЖИНОЯТ ТАРКИБИНИНГ БЕЛГИЛАРИ


Жиноят объекти




ЖИНОЯТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ




БЕВОСИТА ОБЪЕКТНИНГ ТУРЛАРИ



ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ




ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ БЕЛГИЛАРИ




ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИ

Жиноят субъекти – жиноят содир этган ва жиноят тўғрисидаги қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жисмоний шахс




ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ




ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ

Жиноятнинг махсус субъекти – субъектнинг асосий белгиларидан ташқари жиноий-ҳуқуқий нормада кўрсатилган ёки нормаларда назарда тутилган ёки улардан келиб чиқадиган аниқ қўшимча белгиларга эга шахс




ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

Жиноятнинг субъектив томони – шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг жинойий оқибатига бўлган руҳий муносабати



АЙБ ШАКЛЛАРИ




АЙБСИЗ ҲОЛДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ




ҚАСДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

Жиноят содир этиш босқичлари – қасдан содир этиладиган жиноятнинг қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши сифатига кўра ўзаро фарқ қиладиган ва айбдор жиноий мақсадини амалга оширишининг турли даражасини акс эттирувчи, маълум ривожланиш босқичлари ёки даврлари




ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШГА СУИҚАСД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ




ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ БЕЛГИЛАРИ



ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ ТУРЛАРИ




ИШТИРОКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ




БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

Бир қанча жиноят – жиноий жавобгарликка тортилган-тортилмаган, муқаддам судланган судланмаганидан қатъи назар, бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши


Бир қанча жиноят содир этиш шакллари



ЖИНОЯТЛАР МАЖМУИ



ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ




КАМ АҲАМИЯТЛИ ҚИЛМИШЛАР



ЗАРУРИЙ МУДОФАА


Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди

Зарурий мудофаа шартлари



ОХИРГИ ЗАРУРАТ

Охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди



ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ



БУЙРУҚ ЁКИ БОШҚА ВАЗИФАНИ ИЖРО ЭТИШ

Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунадан бажариши туфайли зарар етказилиши жиноят деб топилмайди

Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишнинг қонунийлиги шартлари

Чиқарилган буйруқ ёки фармойиш, ёхуд юклатилган хизмат вазифаси уни бажарётган шахс учун мажбурий эканлиги


Чиқарилган буйруқ ёки фармойиш, ёхуд юклатилган хизмат вазифасининг тегишли шахс томонидан ва тегишли шаклда (реквизитлари билан) расмийлаштирилган бўлиши

Бажарувчининг чиқарилган буйруқ ёки фармойиш ёхуд юклатилган хизмат вазифасини тушуниб етмаслиги

КАСБ ЁКИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ АСОСЛИ ТАВАККАЛЧИЛИК

Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш жиноят деб топилмайди

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликнинг қонунийлик шартлари



ЖАЗО БЕЛГИЛАРИ



ЖАЗО ТИЗИМИ

Жазо тизими – оғирлик даражасига кўра енгилроқ жазодан оғирроқ жазога томон йўналтирилган жазо турларининг тўлиқ рўйхати

Жазо тизимида қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик принциплари ўз аксини топган



Жазо тизими судлар томонидан одил судловни амалга ошириш учун юридик база ҳисобланади

Жазо тизими Жиноят кодекси Махсус қисмидаги санкцияларнинг тузилишини белгилаб беради


ЖАЗО ТУРЛАРИ




ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ




ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИШ




ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУРЛАРИ



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТУРЛАРИ




ШАХС СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ




ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Шахсга қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлар




ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Ҳаётга қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланган, одам ўлдириш, ўлимни келтириш ёки ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда намоён бўлувчи ижтимоий хавфли қилмишлар




ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАРКИБИ




СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Соғлиққа қарши жиноятлар деб жиноят қонунида тақиқланган айбли шахснинг баданига шикаст етказадиган ижтимоий хавфли қилмишга (ҳаракат ёки ҳаракатсизликка) айтилади

Баданга шикаст етказиш деганда ташқи муҳит омиллари таъсирида жабрланувчининг ихтиёрига қарши, қонунга хилоф, инсон организмнинг анатомик яхлитлиги ёки аъзоларининг физиологик функцияларида бузилиш намоён бўлган бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказиш түшүнилади




СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ




ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Жинсий эркинликка қарши жиноятлар – жинсий муносабатларнинг нормал тартиби ва эркинлиги, айбдор ёхуд бошқа шахсларнинг шахвоний эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, жинсий ахлоқнинг асосий принципларини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар




ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР


Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган, тинчлик ва хотиржамликни бузадиган, инсониятга ўрнини қоплаб бўлмас даражада талофатлар етказадиган ижтимоий хавfli қилмишлар



ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланган, миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказадиган ёхуд зиён етказиши мумкин бўлган ижтимоий хавfli қилмишлар

Турлари

Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш
(ЎзР ЖКнинг X боби, 164–169-м.)


Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш
билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар
(ЎзР ЖКнинг XI боби, 170–174-м.)

Иқтисодиёт асосларига қарши
жиноятлар (ЎзР ЖКнинг XII боби,
175–185¹-м.)


Хўжалик фаолияти соҳасидаги
жиноятлар (ЎзР ЖКнинг XIII боби,
186–192-м.)

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН -ТАРОЖ ҚИЛИШ


Талон-тарож қилиш – ҳуқуққа хилоф равишда ўрнини қопламасдан, тамагирлик ниятида мулкдорга зарар етказиб, ўзганинг мулкани айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига эгаллаб олиши ёки ўтказиши



ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ТАРКИБИ



ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР



ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР


Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар – давлат ҳокимияти, бошқаруви ва жамоат бирлашмаларининг барқарор ва бир меъёрда шаклланишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар

Турлари

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар
(ЎзР ЖКнинг 205–229²-м.)


Одил судловга қарши жиноятлар
(ЎзР ЖКнинг 230–241-м.)

БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Одил судловга қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган, суд ҳокимияти ва дастлабки тергов органларининг нормал ва қонуний фаолиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавfli қилмишлар



ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг хавфсиз шароитлари, жамоат тартиби, шахсий хавфсизлик, турли хил ишларни бажариш, жамоат ва давлат манфаатларининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ЎзР ЖКда белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлардир

Турлари

Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар
(Ўз Р ЖКнинг XVII боб, 242–259-мм.)

Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар (ЎзР ЖКнинг XVIII боб, 260–269-мм.)

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар (ЎзР ЖКнинг XIX боб, 270–276-мм.)

Жамоат тартибига қарши жиноятлар – жамиятдаги қонунчилик ва тинчлик ҳолатини, ижтимоий ҳаётнинг нормал ритмини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ЎзР ЖКда белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлардир

Турлари

Безорилик
(ЎзР ЖКнинг 277-м.)

Қимор ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш
(ЎзР ЖКнинг 278-м.)

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР



ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ



ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши – гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришдир. (Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 16 августдаги “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси)



Гиёхвандлик (наркотик) воситалари – гиёхвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар




Психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар




Прекурсорлар – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар

**ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**




**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР ТАРКИБИ**



Олтинчи бўлим. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

Жиноят процесси ва унинг вазифалари

Жиноят процесси – суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларининг ва суднинг ҳамда унда иштирок этаётган барча шахсларнинг жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш, судда муҳокама қилиш ва ҳал этиш бўйича қонун билан тартибга солинган фаолияти бўлиб, ҳуқуқий муносабатларда амалга оширилади ва жиноят қонунининг амалга ошишини таъминлаш вазифасига эгадир



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТИЗИМИ

Жиноят процессининг босқичлари – процесснинг ўзаро боғлиқ, аммо нисбий мустақил, бир-биридан натижавий процессуал қарор билан ажратилган бевосита вазифалар, процессда иштирок этадиган органлар ва шахслар доираси, процессуал фаолият тартиби ва жиноят-процессуал муносабатлар хусусияти билан ажралиб турадиган қисмлари



ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ФУНКЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Жиноят-процессуал функциялар – жиноят процесси олдидаги вазифаларни ҳал этиш бўйича процесснинг бориши ва натижасини таъминловчи органлар ва шахслар фаолиятининг бош йўналишлари




ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

Жиноят-процессуал ҳуқуқ – суд, тергов, суриштирув ва прокуратура органларининг жиноят ишлари бўйича иш юритишлари чоғидаги фаолиятининг тартибини белгиловчи ижтимоий асосга эга бўлган ҳуқуқий нормалар, жиноят ишида иштирок этувчи фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда бунда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими



ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Жиноят-процессуал фаолият субъектлари – жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга оширадиган ва жиноят-процессуал муносабатларга кириша оладиган, алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга органлар ва шахслар




ИСБОТЛАШ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Исботлаш – дастлабки тергов, суриштирув, прокуратура ва суд органларининг, шунингдек, процесс иштирокчиларининг процессуал қонунда белгиланган тартибда жиноят иши ҳолатларини тўғри аниқлаш ва жиноят процесси вазифаларини бажариш мақсадида далилларни ва уларнинг манбаларини тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган фаолияти




ИСБОТЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ


Жиноят иши бўйича исботлаш предмети – жиноят ишининг исботлаш йўли билан аниқланиши ва тўғри унинг тўғри ҳал этилиши учун зарур ҳақиқий ҳолатлар йиғиндиси



АЙБЛАШ ВА ҲУКМ ҚИЛИШ УЧУН АСОСЛАР




ПРОЦЕССУАЛ ИСБОТЛАШ ЧЕГАРАЛАРИ



ПРОЦЕССУАЛ ИСБОТЛАШ СУБЪЕКТЛАРИ




ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ




УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ

Ушлаб туриш асослари – муайян шароитларда шахснинг қонунга биноан озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган жиноят содир этганлигидан далолат берувчи фактик маълумотлар (далиллар)




ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Эҳтиёт чораси – жиноят-процессуал мажбурлов чораларининг тури бўлиб, айбланувчи ва судланувчининг суриштирувдан, дастлабки терговдан ҳамда суддан бўйин товланининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадларида қўлланилади




ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – ижтимоий хавfli қилмиш, ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунча ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалингани оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этилганлик хусусиятига кўра, жамият учун хавfli деб топилса, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш, уларнинг янги ижтимоий хавfli ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади




ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ




СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ


Суриштирув органлари қуйдагилардан иборат




СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ




СУРИШТИРУВ МУДДАТЛАРИ



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



Еттинчи бўлим. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДАГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланган

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлат мажбуриятидир

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу борада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги


Учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши

Тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар бир шахсга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши


Олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО БИЛЛ ҲУЖЖАТЛАРИ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНING ИККИ ЖИҲАТИ




ЮРИДИК ЖИҲАТИ – инсон ҳуқуқларига бағишланган замонавий ҳужжатларнинг биринчиси



СИЁСИЙ ЖИҲАТИ – жаҳон ҳамжиҳатлиги ва бирлигини ўзида намоён этади. Бу ҳужжатда инсон ҳуқуқларининг тўлиқ рўйхати тақдим этилган. Унинг маънавий аҳамияти шундаки, унга инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги даражасининг мезони сифатида қаралади, зеро инсон ҳуқуқларисиз халқаро ҳамжамият ёки алоҳида биро давлат ривожлана олмайди.

БМТнинг ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОНВЕНЦИОН ҚЎМИТАЛАРИ

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги конвенцион қўмиталари мавжуд



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР

Халқаро меҳнат ташкилоти фаолият кўрсатиб келаятган давр мобайнида 200 га яқин конвенция ва 200 дан ортиқ тавсияномалар ишлаб чиқилган. Бу ҳужжатларнинг аксарияти инсон ҳуқуқларига бевосита тааллуқли бўлиб, қуйидаги конвенциялардир

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1930 й.)

АДОЛАТЛИ ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1951 й.)

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1957 й.)

КАМСИТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1958 й.)


АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1964 й.)

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ ЁШ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1973 й.)

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1975 й.)

МЕҲНАТКАШ МИГРАНТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ (1975 й.)

БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАРИ



МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР



ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ АХЛОҚ КОДЕКСИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА МАНСАБДОР ШАХСЛАР АХЛОҚ КОДЕКСИНИНГ НОРМАЛАРИ

1-модда. Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар уларнинг касби талаб этадиган юксак даражадаги масъулиятга мувофиқ жамоага хизмат қилиб ва барча шахсларни ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя этиб, ўз зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни доимий равишда бажарадилар.

2-модда. Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар ўз вазифаларини бажариш давомида инсон кадр-қимматини ҳурмат ва ҳимоя қиладилар ҳамда инсон ҳуқуқларини барча шахсларга нисбатан қўллаб-қувватлайдилар ва ҳимоялайдилар.

3-модда. Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар фақат охириги зарурат ҳолларида ва ўз вазифаларини бажаришлари учун талаб этилган даражадагина куч ишлатишлари мумкин.

4-модда. Агар мажбуриятлар ёки одил судлов талабларини ижро этиш бошқача иш тутишни талаб этмаса, ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар оладиган махфий хусусиятга эга маълумотлар сир сақланади.

5-модда. Ҳеч бир ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахс қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситишдан иборат бўлган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши, бунга ундаши ёки тоқат қилиши мумкин эмас ва ҳеч бир ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахс қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини оқлаш учун юқори турувчи шахсларнинг фармойишлари ёхуд уруш ҳолати ёки хавфи, миллий хавфсизликка таҳдид, ички сиёсий беқарорлик ёки ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳолат каби истисноли ҳолатларни ваъж қилиб кўрсатиши мумкин эмас.

ХУҚУҚИЙ ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА МАНСАБДОР ШАХСЛАР АХЛОҚ КОДЕКСИНИНГ 8-МОДДАСИ

Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар қонунни ва ушбу Кодексни ҳурмат қиладилар. Улар, шунингдек, барча имкониятларини ишга солиб, барча хуқуқий тартиботни бузиш ҳолларининг олдини оладилар ва бундай ҳолатларга ҳар томонлама тўсқинлик қиладилар

Ушбу Кодекс миллий қонунчиликка ёки амалиётга киритилган барча ҳолларда унга риоя этилади. Агар қонунчилик ёки амалиётда ушбу Кодекс қоидаларига қараганда қатъийроқ қоидалар назарда тутилган бўлса, миллий қонунчилик ва амалиётдаги қоидаларга риоя этилади

Ушбу модда, бир томондан, муассасанинг жамият хавфсизлиги кўпроқ даражада боғлиқ бўлган ички интизоми бўлиши зарурати ҳамда, иккинчи томондан, инсоннинг асосий ҳуқуқлари бузилишига қарши кураш зарурати ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга қаратилган

«Назорат қилиш ёки хуқуқий текшириш ваколатларига эга бошқа тегишли инстанция ёки органлар» тушунчаси миллий ҳуқуқ асосида тартибни сақлаш муассасаси доирасида ҳам, ундан мустақил равишда ҳам мавжуд бўлган ва ушбу Кодекснинг амал қилиш соҳасидаги қоидабузарликлар билан боғлиқ равишда юзага келадиган шикоят ва даъволарни кўриб чиқишнинг статутли, оддий ёки бошқа ваколатларига эга бўлган ҳар қандай муассаса ёки органни ўз ичига олади

Ушбу Кодекснинг қоидаларига риоя этувчи хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар жамият, ўзлари хизмат қилаётган хуқуқий тартиботни сақлаш муассасаси ҳамда хуқуқий тартиботни сақлаш билан машғул шахслар ҳурмат кўрсатишига, тўлиқ қўллаб-қувватлашига ва ҳамкорлик қилишига лойиқдир

ЕВРОПА КОНВЕНЦИЯСИГА МУВОФИҚ ШАХС ХУҚУҚЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

Европа конвенциясига мувофиқ қуйидаги ҳолларда шахсларнинг ҳуқуқлари чекланади



ҲИБСГА ОЛИНГАН ШАХС АДВОКАТИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

ҲИБСГА ОЛИНГАН ШАХС АДВОКАТИНИНГ ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ МАВЖУД

- суд ёки бошқа органларда ишнинг адолатли кўриб чиқилиши имконига эга бўлиш

- ҳибсга олиш тўғрисидаги ҳар қандай қарор ва ушлаш сабаблари тўғрисида дарҳол ва тўлиқ ахборот олиш


- адвокат билан ҳар қандай қулай вақтда тўлиқ сир сақланган ҳолатда, цензурасиз ва зудлик билан маслаҳатлашиш

- ҳибсга олинган шахс адвокат билан учрашувини мансабдор шахс уларнинг суҳбатини эшитмаслик шарти билан кузатиб туриши мумкин

- ҳибсга олинган шахсни сўроқ қилиш муддати ва сўроқлар ўртасидаги муддат, шунингдек, тергов ва бошқа ҳаракатларни амалга оширадиган мансабдор шахсларнинг исми, фамилияси тўғрисида ахборот олиш

- ҳибсга олинган шахсни зудлик билан қонуний озодликка чиқариш мақсадида, агар ушбу ҳибсга олиш ноқонуний бўлса суд ёки бошқа органлар устидан миллий қонунчиликка мувофиқ тарзда даъво киритиш

ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ



ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ҚАТТИҚ, ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг хусусиятлари


Мажбурий кучга эга.
Ўзбекистон
Республикаси 1995 йил
31 августда ратификация
қилган

Ўзбекистон Республикаси
1999 йил 17-19 ноябрда
Қийноққа қарши конвен-
циянинг бажарилиши юза-
сидан ҳисобот берган



Конвенциянинг 10-моддасига
кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органларининг ҳар бир ходими
ушбу конвенция тўғрисида билим
ва ахборотга эга бўлиши керак

Конвенциянинг бузилиш
ҳолатлари бўйича ариза-
ларни, шунингдек ҳисоб-
отларни кўриб чиқувчи
конвенцион қўмитамавжуд

ИЧКИ ИИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ




ҚИЙНОҚҚА СОЛИШГА ҚАРШИ ҚЎМИТА



ҚҲЙНОҚҚА ҚАРШИ ҚЎМИТАДА ОЛИНГАН ХАБАРЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Қўмита ахборотларни, агар улар бундай ариза бермаган иштирокчи давлатга тегишли бўлса, кўриб чиқмайди. Бунга кўра олинган хабарлар қуйидаги тартибга мувофиқ кўриб чиқилади:



ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ ҚЎМИТАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
<i>Биринчи бўлим.</i> ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ	5
<i>Иккинчи бўлим.</i> КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ	23
<i>Учунчи бўлим.</i> МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ	35
<i>Тўртинчи бўлим.</i> ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ	54
<i>Бешинчи бўлим.</i> ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ	69
<i>Олтинчи бўлим.</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ	138
<i>Еттинчи бўлим.</i> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ	157

**ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК
КУРСИДАН
ЧИЗМАЛАР АЛЬБОМИ**

Тузувчи-муаллифлар:

**ю.ф.н. Ш.Н. Бердияров, ю.ф.н. И.Э. Хожаназаров, Р.З. Нажмитдинов, З.К. Жабборов,
Ж.А. Ядгаров, А.Н. Қаршиев, Х.М. Қиличев, Э.Х. Норбўтаев, С.С. Шарипов**

**Муҳаррир С. Раззоқов
Техник муҳаррир Д. Х. Ҳамидуллаев**

Нашрга рухсат этилди ____.____.2011 йил. Нашрёт ҳисоб табағи 11,0
Адади 200 нусха. Буюртма № ____ Келишилган нархда

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
700197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.